# Байрамингиз қутлуғ бўлсин,

# азиз онажонлар, опа-сингиллар

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши
7 МАРТ 1970 Й.
ШАНБА
№ 56 (1124).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

✦ МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

## ИККИ МИНГ АЁЛ УЧУН

Тўқимачилик комбинатидаги 1-тўқув фабрикасининг чеварлари Л. Казанцева билан В. Фомичевалар топшириқдан ташқари 480 метр газлама тўқишди. Бунга улар ўзларининг 160 дугоналарини кийинтиришлари мумкин.

Фабрикада пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқараётган илғорлар сафи кун сайин ўсяпти. М. Асеева, Я. Самигуллина ва бошқалар шулар жумласидандир.






Рассом З. Лелявская чизган.

Собир АБДУЛЛА,
Ўзбекистон ССР халқ шоири

## Гулдаста

Гул ўрнида, бу беш бандли мухаммас,
Қизларимга манзур бўлур ё бўлмас!

Март фасли — навбаҳорнинг қалбинг каби мусаффо,
Шу фасл булбулиман, васфи дилимдадир жо,
Ёзсам гўзаллигингни, кўнглингга олма! Аммо,
Айтиш билан чучурми, тегмай оғизга ҳалво,
Ор айлама, ғазалда дилбар десам мабодо.
Даврон гўзаллиги — сен, сез, эътибор қилгил,
Гоҳ қил чаман ўзингни, гоҳ лолазор қилгил,
Ҳар яхши сўзда васфинг, албатта, бор қилгил,
Шу Март қуёши янглиқ партав нисор қилгил,
Бўлсин табассумингга ҳар ғунча зору шайдо.
Серэҳтирос қўшиқлар рамзида эҳтироминг,
Шеърларга жон бағишлаб, сатр ичра яхши номинг,
Чиқса фалакка авжим, мизробида хироминг,
Кез, яйра сарви озод боғларда, давр ҳоминг,
Қил ошён дилимни, юз шеър қилишга пайдо.
Бос, чўққилардан оша, фан манзилин қилиб тай,
Олис демай бу йўлни, чарчаш не ўзи, билмай,
Гар чорласа замона: бор бўл, дейишга лаббай;
Озодлигингни кўргиз оламга арзигундай,
Ўзбек қизини кўрсин, ҳайратда кенг бу дунё.
Давронимиз баҳори, наврўзи офтоблар,
Осмонлари булутсиз, гул чеҳра бениқоблар,
Қомуси бахтимизда сиз зарварақ, китоблар,
Васфи муҳаббат ичра озода, янги боблар,
Беҳадду беҳисоблар, Собирга шунча Зуҳро.

6 март, 1970 йил,
Тошкент.

⊙ Диққат янгилик!

## УЙ БЕКАЛАРИ КЕЧАСИ

Байрам арафасида 73-мактабда «Уй бекалари» деган кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи мактаб директори Қ. Обидова йиғилган оналарни хотин-қизлар байрами билан табриклади ва «Уй бекалари»нинг маҳорати ҳақида гапирди.

Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари Т. Акимова ва район ижроия комитетининг раиси Т. Эргашевлар район меҳнаткашлари номидан оналарни байрам билан қизғин кутладилар.

Кечага ўқувчиларнинг оналари ўзлари тайёрлаган хар хил таомлар билан қатнашдилар. Энг яхши таом тайёрлаб уй бекаси меҳнатини намойиш қилган оналарга район партия комитети ва ижроия комитетининг мақтов қоғозлари тақдим этилди.

## ДРАМАТИК ЛАВҲАЛАР

**Кеча**

**тун чироқлари порлаганда тўқимачилар маданият саройида Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантана бўлди.**

Тантанали кечада Островский номидаги театр ва рассомчилик санъати институтининг студентлари ўзбек хотин-қизларининг 1917 йилдан шу кунгача бўлган ҳаётини акс эттирувчи драматик лавҳаларни намойиш қилдилар.

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Тонгги газеталарда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Совет хотин-қизларига табрикномаси босилган.

✦ Халқаро хотин-қизлар куни бу йил Ленин юбилейи арафасида шоду хуррамлик билан нишонланмоқда. Республика пойтахти жамоатчилиги вакилларининг 6 мартда А. Навоий номидаги опера ва балет театрида ўтказилган тантанали йиғилиши ана шу шонли байрамга бағишланди.

✦ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Совети шу йили Қирғизистон ССРда ўзбек адабиёти ва санъати декадасини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.



## БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАР ҲУЗУРИДА

**Кеча**

**В. И. Ленин номли республика хотин-қизлар педагогика билим юртида тантана бўлиб ўтди.**

Билим юртида ўтказилган маросимда ўқитувчи Елена Шчербакова «Ленин ва Шарқ хотин-қизлари» деган мавзуда доклад қилди.

В. И. Ленин номли билим юрти 1922 йилда ташкил қилинган. Шу йиллар мобайнида бу билим даргоҳини бир неча мингга яқин хотин-қиз битириб чиқди.

Кечада ҳаваскор қизлар концерт қўйиб беришди.

## *ШАҲРИМИЗ ОҚШОМИ*

**Сиз суратда шаҳримизда қурилаётган В. И. Ленин музейининг оқшомги манзарасини кўриб турибсиз.**

## Олтмиш бешинчи маршрут

**АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК**

**БУГУН**

**Олой бозоридан «Шимоли-Шарқ 2» массивига 17-маршрут бўйича автобуслар қатнай бошлади. Бу эса 8 Март байрами арафасида шаҳар аҳолиси учун муносиб совға бўлди. Бу шаҳардаги 65-автобус маршрутидир.**

Шаҳар Совети ижроия комитети барча пассажир транспортларининг ишини ривожлантириш ва координациялаштириш бошқармасининг редакцияга хабар беришича, шу йил кўплаб янги маршрутлар очилиши назарда тутиляпти. «Узбексельмаш», «Тракторсозлик» ва шаҳар маркази билан «Қўйлиқ-2» массиви маршрутлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари шаҳарнинг аҳолиси зич районлари билан марказни боғловчи янги троллейбус, трамвай маршрутлари ҳам ишга тушади. Яқин кунларда Чилонзор массиви Студентлар шаҳарчасига «яқин» бўлиб қолади. 19-трамвай маршрути йўли очилади.

## МАҲАЛЛАДА ТАНТАНАЛАР

Октябрь районидаги «Ленинчи» маҳалла аёлларининг Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни маҳалла хотин-қизлар бўлими раиси Ҳ. Баширова очди. Маҳалла комитетининг раиси С. Ишчанов хотин-қизларни байрам билан табриклади. Хотин-қизлар номидан кўп болали она М. Ёқубова сўзга чиқиб, партия ва ҳукуматимизнинг аёлларга қилган ғамхўрлигидан чуқур миннатдорлигини изҳор қилди.

Шунингдек, маҳаллада Ленин лекторийси ташкил қилинган бўлиб, бунга атрофдаги «Ғайрат», «8 Март», «Қумлоқ» маҳаллалари бирлаштирилган. Ленин лекторийсига маҳалладаги илмий ходимлар, педагоглар жалб қилинди.

* * *

Куни-кеча Киров район Карл Маркс номли маҳалла клубида Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Мартга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Йиғилишни маҳалла комитетининг раиси Н. Назаров очди. 9-ўрта мактаб илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Ш. Рихсиева хотин-қизлар байрами тўғрисида доклад қилди. Нотиқ коммунизм қуриш ишига муҳим ҳисса қўшиб меҳнат қилаётган, фан ва техника соҳасида иш олиб бораётган кўпгина хотин-қизларни мисолга келтириб ўтди.

Кеча охирида Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйи ҳамда 63-мактаб ҳаваскорлар тўгараги коллективи ижросида катта концерт қўйиб берилди.

